

Замонавий инновацион технологияларнинг бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашдаги ўрни

Чориева Гулнора Қобиловна

Қизириқ тумани 74-сон умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси,

Алладусова Феруза Рўзиевна

Ангор тумани 38 –сон умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси,

Абраева Ойбахор Мамаражабовна

Денов тумани 25 –сон умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси,

Ашуррова Нилуфар Баҳодировна

Термиз шахар 12-сон умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Бола ижтимоий мұхит таъсирида ақлий томондан ривожланиб боради. Теварак-атрофдаги кишилар билан мұомала қилиш жараённанда у тилни ва у билан бирга таркиб топган тушунчалар системасини үзлаштиради. Натижада бола тилни шунчалик эгаллаб оладики, ундан мұомала воситаси сифатида әркін фойдалана оладиган бўлиб қолади.

Бошланғич синф ўқувчилариға ақлий тарбия беришни тўғри ташкил этиш учун уларнинг ақлий ривожланиши қонуниятлари ва имкониятларини билиш керак. Ақлий тарбиянинг вазифаси унинг мазмунни, методи ва ташкил этилишига қараб белгиланади. Педагогика ва психология фани ақлий тарбия бериш вазифаларини самарали ҳал этиш йўлларини топиш учун мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланиш қонуниятлари ва имкониятларини ўргатиш билан шуғулланади.

Бошланғич синфга келиб болалар теварак-атроф тўғрисидаги каттагина ҳажмдаги оддий билим ва тушунчаларга эга бўлиб қоладилар, асосий фикрлаш жараёнларини эгаллаб оладилар, нарса ва буюмлардаги, воқеалардаги мұхим ва мұхим бўлмаган томонларни ажратади. Болаларнинг мазмунни, методи ва ташкил этилишига қараб белгиланади. Фақат яхши ташкил этилган фаолият жараёнидагина тўлақонли ақлий ривожланиш рўй беради, шу сабабли педагогларнинг вази-фаси болага муайян мақсадни кўзлаб, тарбиявий таъсир кўрсатиш учун керакли шароитлар яратишидир. Болаларни мактабга тайёрлашда ақлий тарбиянинг роли каттадир. Болаларнинг билимларни эгаллаб олишлари уларнинг ақлий фаоллигини ривожлантириш, мустақиллик, ақлий малака ва кўникмаларни эгаллаб олишлари уларнинг мактабда муваффақиятли ўқиши ва бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрланишида мұхим манба бўлиб хизмат қиласи.

Бошланғич синф ўқувчиларини ақлий тарбиялашнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

Болаларда табиат ва жамият тўғрисидаги билимлар системасини, илмий дунёқарашни шакллантириш. билишга доир рухий жараёнларни ривожлантириш, яъни сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ. билишга қизиқиши ва ақлий қобилиятларни, ақлий меҳнат маданиятини ривожлантириш. ақлий малака ва кўникмаларни ривожлантириш. Бошланғич синфда ўқитиши жараёнида бола ҳар куни ўзи учун нотаниш бўлган нарса ва ходисаларга дуч келади. Педагогнинг вазифаси болалардаги билимларни мунтазам равишда ошириб бориш, уларни тартибга солиш, аниқлаштиришидир. Бола теварак-атрофдаги нарсалар, уларнинг вазифаси, баъзи сифатлари ва асослари ҳақида, уларнинг қайси материаллардан тайёрланганлиги тўғрисидаги аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. Улар табиат ҳодисалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва қонуниятларини билиб оладилар.

Билимларни эгаллаб бориш натижасида боланинг шахси ҳам шаклланиб боради. Бола санъатнинг ҳар хил турлари тўғрисидаги тасаввур ва тушунчани эгаллаб олади. Мана шу реал билимларни эгаллаши натижасида болада теварак-атрофни объектив тушунишнинг таркибий қисмлари шаклланади. Теварак атроф, буюм ва нарсалар боланинг сезги органларига, яъни анализаторларига таъсир этади ва сезги ҳосил бўлади. Сезги болаларга айрим хоссаларни билиб олишга ёрдам беради. Сезги атроф-муҳитни билишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Болаларнинг билимларни эгаллаб олишлари уларнинг ақлий фаоллигини ривожлантириш, ақлий малака ва кўникма эгаллаб олишлари, уларнинг мактабда муваффақиятли ўқишлари учун, бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрланишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди. Ақлий тарбия жараёнида шаклланадиган ақл-идрок сифатларидан бири танқидийликдир. Ақлнинг танқидийлиги билиш фаолияти натижалари вазифасини ҳал этишга, танланган усусларни, хулосаларни, мuloҳазаларни баҳолаш қобилиятини билдиради.

Ақлий ривожланиш ақл қамровининг кенглигига-ходисалар ўртасидаги кўп қиррали алоқадорликда ва мутаносибликда кўриб чиқиш қобилиятда намоён бўлади. Инновацион таълим технологияларини қўллашда муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичida юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни таҳсил олувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, таҳсил олувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади.

Инновацион таълим технологияларини мажбуран қўллаш орқали мақсадга эришиб бўлмайди. Аксинча, тажрибали педагоглар томонидан асосланган ёки улар томонидан қўлланилаётган илгор технологиялардан фойдаланиш билан бирга уларни ижодий ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Инновацион педагогик технологиялар боғчада боланинг ривожланишида ижобий ўзгаришига олиб келади, бунда идрок этиш, ҳиссий мотивизация жараёнида улар боланинг характеристига таъсир кўрсатади, бу вақтда таълим олувчини идрок этишга қизиқиши кучаяди.

Инновацион технологияларидан фойдаланиш таълим олувчининг ўқув жараёнида мустақил ишлаш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ўқитиш, ўз фаоллигини ошириш, ўзи мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантиради. Бундан кўриниб турибдик, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари қаторига компьютер технологиясини киритиш зарурати кундан-кунга ошиб бормоқда. Бироқ таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил этиш учун керакли шарт-шароитлар ва техник воситалар мавжуд бўлиши лозим. Таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимда янги ахборот технологияларни жорий этиш масаласи оммалашмоқда. Бу эса ўқитувчиларнинг ўз меҳнати фаолиятига янгича ёндашувини талаб этади. Ўқув жараёнида янги технологияларнинг жорий этилиши, ўқитувчини техниковий воситалар томонидан сиқиб чиқарилишига эмас, балки ўқитувчининг вазифалари ва ролини ўзгаририади. Замонавий ўқитувчи келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир.

Замонавий ўқитувчи томонидан ўқув жараёнининг ташкил этилиши жараёнида дарс мазмунидаги асосий маълумотлар ва ўқув материали шундай тақдим этилиши керакки, у ўқувчининг визуал идрок қилиш қобилиятини осонлаштиурсин. Зоро ўқитувчи таълим ислохотининг бош ижроқисидир. Бунда ҳар бир ўқитувчини қисқа вақт ичida жуда катта микдордаги ахборот тўпламини ўзлаштириш, қайта ишлаш ва амалда қўллай олишга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Уни ҳал қилишда ўқитувчига ўқитишнинг анъанавий усувлари билан бирга замонавий ахборот технологиялари, жумладан, компьютерлардан фойдаланиш ёрдам беради.

Дарсда компьютердан фойдаланиш ўқитиш жараёнини қизикарли олиб бориш, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиш имконини беради.

Таълим-тарбия жараёнидаги инновациялар, илғор педагогик технологиялар, янгиликлар, дарс ўтишнинг интерфаол усувлари ўз-ўзидан таълимга кириб келмайди. Демак, ўқитувчидан билим, ижодий меҳнат ва касб маҳорати талаб қилинади. Чунки ўқитувчи фаолияти янгилан-маса таълимда самарадорликка эришиб бўлмайди. Ўқитувчи томонидан болаларни ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юритишга йўналтирувчи таълим шакли, метод ва воситаларининг тўғри танланиши дарсларнинг қизикарли, баҳс-мунозараларга бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки беради. Мана шу ҳолатдагина болалар ташаббусни ўз қўлларига оладилар, ўқитув-чининг зиммасида эса уларнинг фолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни назорат қилиш, мураккаб вазиятларда йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ҳамда улар фаолиятини баҳолаш каби вазифалар қолади. Берилаётган билим оддийгина хотира ёрдамида эмас балки, боланинг ўз фикрлаш саъй-харакатлари билан эгаллангандагина мустаҳкамланади. Боланинг эркин фикрлаш, айниқса тасаввур этиш, фараз қила олиш қобилиятини ривожлантириш, кўнирма ва малакаларни вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўз дарсларида болаларга чукур билим бериши учун ахборот ва педагогик технологиялар, инновацион методлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Дарслар ўтишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш натижасида самарали натижаларга эришади. Бугунги кунда бошлангич таълимда инновацион технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётганинг асосий сабаби қўйидагилардир:

Биринчидан, инновацион технологияларда шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш имкониятининг кенглигигида.

Иккинчидан, инновацион технологиялар ўқув-тарбия жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини беради.

Учинчидан, инновацион технология ўқитувчини таълим-тарбия жараёнининг мақсадларидан бошлаб, ташхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгacha бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундейди.

Тўртингидан, инновацион технология янги воситалар ва ахборот усувларини қўллашга асосланганлиги сабабли, уларнинг қўлланилиши «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга оширишни таъминлайди. ҳар қандай инновацион технологиянинг ўқув-тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий ҳарактердан келиб чиқсан ҳолда, болани ким ўқитаётганилиги ва ўқитувчи кимни тарбиялаётганига боғлиқ.

Инновацион технология асосида ўтказиладиган машғулотлар болаларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсdir. Инновацион технология ва уларнинг таълимда қўлланилишига оид билимлар, тажриба болаларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. Шу билан бирга таълим-тарбия жараёнларида янги педагогик технологияларни қўллашда алломаларимизнинг ғоя ва қарашларидан фойдаланиш ўқувчи-талабаларни ўқитиш ва тарбиялашни янада сам*арали бўлишига олиб келади.

Хуроса, янгича фикрлаш, ўз фикрига эга, бозор шароитларида муваффақиятли иш юритадиган, юксак малакали, чукур билимли ёшлиарни тарбиялаш юмуши ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятни жадаллаштириш самараси ўлароқ ривожланади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

-
1. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
 2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методика Маркази // Болажон таянч дастури. Т.: 2010. 213 б.
 3. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Шарқ,
 4. Р. Эргашев. Бўлажак ўқитувчи шахсида естетик маданиятни шакллантириш назарияси ва амалиёти. Монография. — Т., «Ўқитувчи», 2017
 5. Р. Эргашев, Х.Санақулов. Педагогик диагностика. Ўқув-услубий қўлланма. — Т., ТДПУ, 2014
 6. Қ. Рахимов. Математика ўқитиш методикаси. Ўқув-услубий қўлланма. —Т.: 2016.

997. 60 б.